




ТОШКЕНТ

Газета 1997 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 75 (8.965)



1997 йил

2 июль, чоршанба



Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

1997/98 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий ўқув юр்தларига қабул тўғрисида

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юр்தларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997/98 ўқув йилида 21 мингта давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юр்தлари бўйича тақсимлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур грантларни тақсимлаш ҳар бир ихтисос/Ўзбекистон Республикаси мутахассислари тайёрланадиган ихтисос/бўйича давлат грантларига асосан энг оз қабул қилишни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси ўқув юр்தларига

қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Ўқув юр்தларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Давлат тест маркази: абитуриентлар қабулини тест синов натижасида тўплаган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича ташкил қилсинлар; бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли ўқув юр்தларида грантларни таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлашни Давлат комиссияси тасдиқлаши учун киритсинлар.

4. 1997/98 ўқув йилида давлат грантига кўра ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизига қадар доирада тўлов-контракт асосидаги қабул квотаси ўрнатилсин. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларидан ҳамда мазкур тоифадаги абитуриентлар ўртасида тест синовларининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан таълимнинг тўлиқ қиймати тўланиши кўзда тутилсин.

5. Давлат комиссияси: юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосидаги аниқ ихтисослар ва таълим йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичларини кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юр்தларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга зарур ўзгартишлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ўқув юр்தларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ўқув юр்தларида таълимнинг тўлов-контракт шакли тўғрисидаги Низомни бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқиб, тасдиқласинлар ва матбуотда эълон қилсинлар. Низомда контракт шартлари бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги оширилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

8. Молия вазирлиги 1997/98 ўқув йилига белгиланган давлат грантларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки тахминий кўрсаткичларига ўзгартишлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 1 июль

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ДОПЗАРЪ ВАЗИФА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар гиёвандлик моддалари устидан назорат қилиш бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Таммирзаев олиб борди.

Албатта, XX аср вабоси бўлиши гиёвандликка қарши барчамиз бир тан, бир жон бўлиб курашасанмики уни енгишимиз мумкин. Айниқса, келажакимиз давомчилари бўлиши ўсирилари кейинги пайтларда гиёвандликка ружу қўяётганлиги барчани ташвишлантирмоқда. Йиғилишда ушбу масаланинг еними изланиб, ўринли таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Шаҳаримиз туманлари орасида ҳамма ва Чилонзор туманларида гиёвандлик ҳолларининг бирмунча кўпайганилиги қўзғатилмоқда. Шу сабабдан йиғилишда сўзга чиққан юқоридаги туманлар ички ишлар бошқармалари раҳбарлари гиёвандликнинг олдини олиш, гиёвандлар билан амалга ошириладиган профилактика ишлар, гиёвандлар тўпладиган жойларни аниқлаб, уларни тугатиш, «Тозалаш», «Комплекс», «Қора дори», «Бозор» каби махсус тадбирларнинг натижалари ҳусусида тўхталиб ўтишди. Бу

борадаги маълум ютуқлар ва тегишли камчиликлар очик-ойдин тилга олиниб, мавжуд аҳолини яхшилаш юзасидан аниқ тавсиялар берилди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Т. Худойбергенов гиёвандлик орасида рўй бераётган баъзи жиноятлар ҳусусида тўхталиб, ушбу иллатнинг пайини қирқчи мақсадида биринчи навбатда профилактика ишларига эътибор қаратиш, бу ишга маҳалла оқсоқоллари, мактаблар жамоасини фаол жалб этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда балогатта етмаганлар орасида гиёвандликнинг олдини олиш, ҳусусан уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда ёзги таълимни кўнгилли ўқатиш бўйича қилинаётган ишлар ҳусусида ҳам сўз борди. Шаҳар нарकोлогия маркази ишчи яшашлаш, ушбу марказ учун янги бино ажратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор бригада бошлиғи Марғуба Маннопова ва янги маҳсулотлар.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Анжуманлар

МУҲИМ МАВЗУДА

Акмал Икромов туман ҳокимлигида «Жамият, оила ва ёшлар муаммолари» мавзусидаги конференция бўлиб ўтди.

Унда тумандаги ҳукук-тартибот, ёшларни дам олиш, иш билан таъминлаш ва касб-хунар ўргатиш муаммолари ҳақида фикр юритилди.

Конференцияда қатнашган турли соҳа мутасаддилари юқоридаги муаммолар юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар. Масалан, «Қамолот» жамғармаси ва туман бандлик хизмати билан ҳамкорликда ёшларни ишга жойлаштириш ҳамда касбга йўллаш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Мактаб ўстахоналарининг бугунги аҳоли ва улар фаолиятини кучайтириш ҳақида амалий таклифлар айтилди. Кенгаш қатнашчилари «Устоз-шогирд» тизимини кенг жорий этиш ҳақида ижобий фикрлар билдирдилар.

Шунингдек, анжуманда туман халқ таълими бўлимининг ташаббуси билан барча синфлар учун яратилган мактаб кийимлари намоиши этилди.

Анвархон
АХМАДҚОРИ ўғли.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга
Олий Мажлис депутатларининг сайловини тайинлаш
тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳридаги 22-Шайхонтохур, Бухоро вилоятидаги 59-Когон, Жиззах вилоятидаги 69-Зарбдор, Самарқанд вилоятидаги 116-Нуробод, Фарғона вилоятидаги 195-Олтиарик, Хоразм вилоятидаги 217-Янгибозор, Қашқадарё вилоятидаги 223-Бешкент ва 236-Яккабоғ сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий

Мажлис депутатларининг сайлови 1997 йил 27 июль, якшанба кунига тайинлансин.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

Ч. МУҚИМОВ,

Марказий сайлов комиссиясининг котиби А. АНОРҚУЛОВ,

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 июль.

АХБОРОТ

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлағановнинг фармойишига кўра 14-Феруза сайлов округида бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатининг сайлови 1997 йил 27 июль, якшанба кунига тайинланди.



Тошкент кимё-технология институтида миллий кадрлар тайёрлаш бўйича дастур доирасида «Думалоқ стол» атрофида учрашув бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг олимлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва агросаноат мажмуалари вакиллари иштирок этган ушбу учрашув олий ўқув юр்தлари ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланди. Шунингдек, учрашувда кимё, озик-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида ҳам атрофчида ва қизиқарли мунозаралар бўлди.

Учрашув қатнашчилари халқ ҳужа-лигининг турли тармоқлари учун юк-

сак малакали мутахассисларни тайёрлашнинг истиқболларини қараб чиқдилар. Маълумки, бозор муносабатлари ўз талабларини олдинга сурмоқда. Ана шу боисдан бугунги кунда са-

ган. Бугунги кунда бу олий ўқув маскани ана шу тармоқнинг 20 йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрламоқда. Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда бу ерда шартномалар асо-

АПОҚАЛАР МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

ноат корхоналари билан олий ўқув юр்தлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмоғи даркор. Бу борада кимё-технология институти намуна кўрсатмоқда. Биобарин институт 60 дан ор-тиқ корхоналар билан алоқалар ўрнат-

сида менежмент, маркетинг, қимматли металл кимё-технологияси бўйича янги мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Учрашувда олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов,

«Гўштсаноат» уюшмаси раиси Х. Муталов, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси раисининг биринчи ўринбосари А. Раҳимов, «Ўзметазавотвиносаноат», «Ўзкимёсаноат», «Совпластитал» ва бошқа уюшмалар ҳамда корхоналарнинг вакиллари сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар бўйича ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

Тошкент кимё-технология институтининг ректори, академиги Н. А. Парпиевнинг ташаббуси билан институтнинг ҳомийлик кенгаши ташкил этилди. Кенгаш низоми тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди. Унинг таркибига республикадаги ўн бешта йирик саноат корхоналарининг вакиллари киритилди.

Шавкат НУРУЛЛАЕВ,
Тошкент кимё-технология
институтининг доценти.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейига Осиё Олимпия кенгашининг Олтин орденини топириди. Республикаимиз Президенти Осиё қитъасида олимпия анъаналарини қарор топтириш ва қўллаб-қувватлаш, ўз мамлакатига жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссаси учун шу орден билан мукофотланган эди. Кеча фахрий мукофотни маросими бўлди.

● Вазирлар Маҳкамасида халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов республика бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларини рўйхатга олиш аяқлари ҳақида маъруза қилди.

● Навбахор тумани галлакорлари зафар қучдилар. Давлатга 14 минг 632 тонна ўрнига 15 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.

● Кеча мамлакатимизда миллий пул бирлиги — сўмининг муомалага киритилганига уч йил тўлди.

● Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига беш йил тўлди.

● Урганча буюк мунажжим — Мухаммад Тарагай Мирзо Улуғбекка маҳобатли ҳайкал қўйилди. Ҳайкал маҳаллий қурилиш коллежи биноси олдидаги кўркам хийбонга ўрнатилди.

● Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида Камолиддин Бехзод номидаги давлат мукофотида номзодларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

● Андижонда Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи аяқланди. Фоллибар Тошкентда ўтказилаётган қўшиқ байрамида қатнашчи ҳўқуқига эга бўлди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллиги шарафига махсус мукофотлар таъсис этди.

● Кеча «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони чиққан кунга 31 йил тўлди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Бугун Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Москвага расмий ташрифи бошланди. Ушбу ташриф чоғида бир қатор иқтисодий ва сиёсий битимлар имзоланди.

● Россия Президенти Фармонида кўра Омон Тулеев Кемерово вилоятининг губернатори этиб тайинланди. Шу муносабат билан у МДХ ишлари бўйича вазир лавозимидан озод этилди.

● Борис Ельциннинг қизи Татьяна Дьяченко Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланди.

● Яқин вақт ичида Қирғизистон ҳудудида расмий равишда рўйхатдан ўтказилган 17 минг тожик қочоқларини қайтариш бўйича қирғиз-тожик ҳукуматлараро комиссияси ўз ишини бошлайди.

● 1 июлдан бошлаб Борис Ельциннинг топшириғига кўра пенсионерлар учун «Ишонч телефони» ишлай бошлади. Шундай қилиб ҳар бир пенсионер Россия Президентини маъмурияти билан тўғридан-тўғри боғланиши мумкин.

● 1 июлдан бошлаб Россияда ўткир спирт-ли ичимликларни дўконларда ва улғуржи бозорларда сотишни чекловчи Президент Фармони амал қила бошлади.

● Эртага Беларус халқи ўзининг миллий байрами — Белоруссия Республикаси Юнни нишонлайди.

● Россия ҳукумати чойга божхона солиғини тўрт бараварга оширди. Шундай қилиб 125 граммли бир қути «Май чойи» июнь ойида 3 минг рубль турган бўлса энди унинг нархи 4 минг рублга кўтарилди. Мутахассисларнинг тахмин қилишича ёз ойининг охирига бориб чой нархи кескин кўтарилди.

ХОРИЖДА

● «Оқшом» газетаси аввалги сонида хабар берганидек, 1997 йилнинг 1 июли Хитой давлати тарихига аҳолиси 6,21 миллион киши, аҳолисининг 95 фоизи хитойликлар бўлган Сянган (Гонконг) нинг мустақиллиги қайта тикланган кун сифатида қиради. Шу кун ярим тунда бу ерда Хитой Халқ Республикасининг давлат байроғи кўтарилди. Байрам тантаналарида 4 мингдан зиёд расмий меҳмонлар қатнашди. Тантаналарни 7 мингдан зиёд хитой ва хорижий мамлакатларнинг журналистлари ёритдилар.

● Албанияда бўлиб ўтган сайловларда социалистик партия бошчилигидаги муҳолифат галаба қозонди. Сайловлар билан бир вақтда давлат тизими қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги референдумда аксарият албанлар мамлакатда монархиянинг ўрнатилиши ҳусусида фикр билдирдилар.

● КХДР 7 ва 8 июль кунлари — мамлакатнинг собиқ раҳбари Ким Ир Сен вафот этган кунининг уч йиллигида ўз чегараларини берки-тади.

● Фаластин маъмурияти раҳбари Ясир Арофат Францияга расмий ташриф билан келди. Унинг Франция Президенти Жак Ширак билан учрашувда Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатиш бўйича Европанинг аралашуви йўллари муҳокама қилинди.

● Чехия Президенти Вацлав Гавел давлат ташрифи билан Украинага келди. У ташриф чоғида Украина Республикаси раҳбарлари билан учрашди.

● Индонезия ҳарбий-ҳаво кучларининг қўмондонининг мамлакатни Россиянинг «Су-30» қирувчи самолётларини сотиб олиш режасида эканлигини айтди.

● Тайван ҳукумати ўз ҳарбий хизматчилари ва полициячиларига Гонконгга боришни таъкид-лади.

● Биргаликдаги «Шаттл» — «Мир» дастури-нинг Америка томонидан раҳбари бўлган Фрэнк Калбертсон Россия — Америка орбитал «Мир» мажмуаси экипажи аъзоларини ҳақиқий қаҳрамонлар деб атади. «Америкаликлар таҳликали вазиятларда қандай ҳаракат қилишни руслардан ўрганишлари керак», — деди у.

● Шимолий Корея ҳарбий кемаларни уриш-га мўлжалланган янги қанотли ракеталарни синовдан ўтказди.

● Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги шаҳарларда ажойиб имтиёз жорий этилди. Ҳомиладор аёлларга барча ресторанларда овқат ярим баҳода, шарбатлар эса бепул берилди-ган бўлди.

— Абдуқаҳор ака, суҳбатимизни истиклол белгилаб берган истикболнинг шукронаси билан бошласак... Зеро, истикбол — бу меҳнатимиз кўзгу-си, манфаатларимиз намоён бўлишидир.

— Мустақиллик туфайли она-Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини, иқтисодий қудратини ошириш орқали ҳар бир оиланинг турмуш тарзини ўзгартириш, янада юқори даражага кўтариш, фарзандларнинг бахтли келажаги учун мустақам пойдевор яратиш учун кенг имкониятларга эгамиз. Муддодларимиз аниқ, мақсадимиз равшан.

Президентимиз томонидан ушбу йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Бинобарин инсонларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун ғамхўрлик барқарордир. Зеро, давлатимиз бозор иқтисодиётига ўтишда устувор ва муҳим йўналишларни танлаб, белгилаб олган ҳолда халқнинг тўла манфаатлари кўзланган сиёсатни юритмоқда.

Туманимиздаги sanoat корхоналари жорий йилнинг 5 ойи мобайнида ўтган йилдагига нисбатан 118,7 фоиз кўп маҳсулотлар ишлаб чиқаришди. 5 ой мобайнида 4 миллиард 642 миллион 400 минг сўмлик капитал маблағ қўрилишга сарфланди. Бажарилган бинокорлик-монтаж ишлари 3 миллиард 777 миллион 113 минг сўм даражасида, 30,415 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Ушбу далилларни келтиришдан мақсад, аввало рақам — одил ҳакам деган гап бор. Шунингдек, бу рақамлар бамисоли уммондан қатраладир. Ҳар бирида қилинаётган эзгу ишлар, минг-минглаб тақдирлар мужассам. Бугунги кун нафасини янада теярроқ ҳис қилишни истасангиз, туманимиздаги жараёнлар билан яқиндан танишиш кифоя.

Мақсуд жараёнларнинг ҳамма-ҳаммаси тўла моҳияти билан инсон манфаатларини улуғлашга қаратилган. Тадбиркорлик ривожини дейсизми, таълим-тарбия ишларини яхшилашми, ижтимоий ҳимоя масалаларини — барчаси, биринчи ўринда ҳамшаҳарларимизнинг орзу-интилишлари рўйбега чиқишига, турмуш даражаларини янада яхшилашига хизмат қилади. Инсон манфаатлари йилида бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилиши табиий.

— Ижтимоий адолат тақозоси, аввало, кекса ёшдаги кишиларга ғамхўрлик қилишни талаб қилади. Шу маънода фахрийларни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?


— Бу борада «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари орқали режа асосида чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ҳу-



● «Шарқ гули» ҳиссдорлик жамиятининг илгор попчиси Нафиса Азларова.



● «Азия-Чем» ўзбек-турк қўшма корхонасининг маҳсулотларидан намуналар.



● Янги ишга туширилган қаҳвахонада.

логия маркази, поликлиникалар каби турли шифохоналар беморларни даволаш учун замон талаблари даражасида фаолият юритишмоқда.

— Соғломлаштириш, даволаш масканлари қаторида ёш авлодга таълим-тарбия бериш даргоҳлари ҳам ёруғ истикболга мустақам замин яратилишида ўзига хос аҳамиятга эга...

— Ҳозир туманда 94 та таълим масканлари бўлиб, улар қаторида 41 та умумтаълим мактаби, 47 та мактабгача тарбия муассасаси, шунингдек, турли таълим марказлари, спорт мактаблари мавжуд. Замон талаблари асосида тумандаги таълим даргоҳларида гимназия ва гимназия синфли мактаблар, шарқ тиллари, иқтисод, миллий ҳунармандчилик каби соҳаларга йўналтирилган лицейлар ташкил этилиб, янги иш тизими йўлга қўйилган. Айрим фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилувчи мактаблар ҳам мавжуд. Табиийки, ўзига хос ютуқларга ҳам эришилмоқда. Масалан, 40-мактаб республика «Компьютер шоу» мусобақасида 2-урини эгаллади. Тумандаги мактаб ўқувчилари нафақат шаҳар, респуб-


йўналишдаги кенг қўламли саёй-ҳаракатларнинг битта қиррасидир. Бугунги кунда туманда 3288 та турли корхоналар рўйхатдан ўтказилган. 948 та масъулияти чекланган жамият, 203 та кичик корхоналар, 1406 та хусусий, 731 та бошқа турдаги корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, кўрсатаётган хизматлар ҳам аҳолининг турли табақалари учун амалга оширилади.

Фурқат ва Навоий кўчалари кесишган жойда бунёд этилаётган савдо расталари мажмуи ҳам айнан тадбиркорлик раёнаки, кишиларга савдо хизмати шароитларини яхшилаш эҳтиёжи туфайли қад кўтараётган. Ҳозирги замон талаблари асосида жадал суръатлар билан қўрилаётган бу мажмуада 18 та савдо дўкони фойдаланишга топширилади. Дикқатга сазовор бунёдкорлик ишлари «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳам олиб боришмоқда. Ўзига хослиги бўйича алоҳида мавқени эгалловчи бу мажмуа қўрилишида «Ўзбекхончилиққурилиш», «Ўзсанатқурилиш», «Ўзсувқурилиш» концерни бирлашмалари бунёдкорлари фидокорона меҳ-

Туманда бинокорлик билан бир қаторда автомобиль йўлларини замон талаблари даражасида қайта таъмирлашга, янги йўллар барпо қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда Хадра майдонида кечаю кундуз меҳнат қизгин. «Ўзавтойул» концерни ва «Кўприк қурилиш» трести йўлсозлари 3 сменда тинмай ишлашмоқда. Мақсад — майдон тагидан ўтувчи ер ости йўлини имкон борида тезроқ фойдаланишга топшириш. Ҳозир бу ерда ер қазиш ишлари бажариб бўлинган, қурилиш-монтаж жараёни жадаллик билан олиб борилаётган.

Ҳ. Фулом ва Ҳ. Асомов кўчаларини туташтирувчи йўлни кенгайтириш «Шаҳарйўлқурилиш» ишчилари зиммасида. Бу иш амалга оширилган, автомобиль ҳайдовчилари учун қатнов борасида катта қулайликлар юзага келади. «Махсустаъмирйўлқурилиш» трести бунёдкорлари ҳам техника воситалари эгалари учун яхши шароит яратиш мақсадида Эски Жува бозори ҳудудида 420 ўринли автомобиль тўхташ жойи барпо этишмоқда.

Юқорида саналган қурилиш иншоотларини республика мустақиллигининг 6 йиллиги санасида топшириш режалаштирилган. Шу боис қайси жойга борманг, қайнок иш бораётганига гувоҳ бўласиз. Кўтарма қранлар зарур материалларни керакли жойларга олиш



● «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг қурилиш майдонида. Шу ерда меҳнат қилаётган илгор электр пайвандчи Абдуҳамид Эргашев.

сусан, имтиёзли дори-дармон олиш ҳуқуқига эга фахрийларга туман бўйича 72 та дорихона хизмат кўрсатмоқда. Ногиронларга ҳаракатланиш воситалари, эшитиш аппаратлари олишда ҳам тегишли ташкилотлар орқали ёрдам кўрсатилмоқда. Январ-май ойлари давомида 264 фахрийга корхоналар, 36 кишига эса жамғарма орқали моддий ёрдам кўрсатилди. 186 нафар шароити оғир фахрийлар озиқ-овқат олишларига қўмақлашув мақсадида дўконларга бириктирилган. Шунингдек, Намрўз байрами, Ғалаба куни каби қутлуг саналарда ҳам фахрийлар учун махсус тадбирлар ўтказилиб турилибди.

— Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига ҳам катта эътибор берилиши табиий.

— Тўғри. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитларида Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Туман меҳнат биржасига дастлабки беш ой ичида тушган жами 11992 та аризадан 10398 таси қондирилиб, болали оилаларга 31 миллион 104 минг 200 сўм миқдорда нафақа берилди. 52 та маҳалла кўмиталари орқали 2310 та ариза қўрилиб, 2103 тасига ижобий жавоб берилгани ҳолда иккинчи чорак учун 2 миллион 10 минг сўм моддий ёрдам пули тайинланди.

— Иқтисод жиҳатдан қўллаб-қувватлаш аҳоли учун, шубҳасиз, кўп томонлама мадад. Айни пайтда кишилар саломатлигини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутати...

— Саломатлик — туман бойлиги, дейилиши бежиз эмас, албатта. Туманимиздаги аҳолининг 34 фоизини аёллар ташкил этади. Соғлом авлодни эса соғлом оналар яратади. 1-туғруқхона қошида оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида республикада биринчилардан бўлиб 252 ўринли перинитал марказ ишга туширилди. Бу жойда ўтказилган «Аёл ва саломатлик» семинар-кенгашида марказ фаолиятига юқори баҳо берилди. Умуман, туманимиздаги 1-шаҳар клиник касалхонаси, болалар кардиореовмато-



Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Инсон
манфаатлари
йили

Туманлар
йўқламаси:
ШАЙХОНТОХУР

Истикболга томон белгиланган тараққиёт йўлимизнинг ҳар бир фўқаросидан камолот сари тинимсиз интилишни талаб қилади. Зеро, инсон маънавий, жисмоний жиҳатдан қанчалик баркамол бўлса, меҳнати, ўз элига келтирадиган фойдаси ҳам шунчалик мукаммал даражада юзага чиқади.

Президентимиз томонидан 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги замирида ҳам айнан шу баркамолликка интилишларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш турибди.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур тумани ҳудудида амалга оширилаётган ишларга гувоҳ бўлган киши инсон фаровонлиги йўлида нечоғлик эзгу тадбирлар амалга оширилаётганлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Бу тумани расмий равишда пойтахтимизнинг юраги деб аташ мумкин. Унинг бугунги қиёфасида аънаналар ва янгиликларнинг ўзига хос уйғунлашуви, авлодлар ворислигининг замонавий силсиласи ёрқин кўзга ташланиб туради.

Бир томонда Кўкалдош мадрасасининг маҳобатли жимжимадор пештоқи қуёш нурларида жиллалади, бир томонда осмонўпар замонавий бинолар қад кўтарган. Туманда ободончилик ишлари, бунёдкорлик жараёни ғоятда қизгин. Ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, қурилишлар борасида ҳам ўзига хос марралар эгалланиб боришмоқда. Бунга туман ҳокими Абдуқаҳор ТУҲТАЕВ билан суҳбатда амин бўлдик.

лика миқёсида, балки халқаро даражадаги мусобақаларда ҳам совринли ўринларни эгаллашяпти.

— Катта миқёсда эришилаётган ютуқлар кишини қувонтиради, албатта. Айни пайтда иқтисодиёт ривожланиш тамойиллари ҳам халқаро доирада оқилона, фаол иш юритишни кун тартибига қўймоқда...

— Миллий иқтисодиётни шакллантириш, аввало ишлаб чиқаришни истеъмолга тобе қилиш йўлга қўйилишини, унинг амалга оширилишини таъминлаш учун эса товар айирбошлаш соҳасини яхшилашни ва экспорт имкониятларини кенгайтиришни тақозо қилади.


Туманимиздаги «Орзу» ҳиссдорлик жамияти жорий йилнинг 1-чорагида 243 минг АҚШ доллари миқдорига тайёр маҳсулотларини чет элга жўнатиб, ўрнига чарм хом ашёси олишди. «Тошкент матбаа» ижара корхонаси ҳам 35,6 минг АҚШ доллари миқдорига ўз маҳсулотларини экспорт қилди. Умуман, жорий йилнинг 1-чорагида 447,7 минг доллар ҳисобида экспорт операциялари амалга оширилган бўлса, 2-чорада 1 миллион 249 минг доллар миқдорига етказиш кўзда тутилмоқда...

Туман ҳокимининг сўзларида келтирилган далил ва рақамлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган муайян ишларнинг ифодаси, албатта. Тадбиркорликнинг халқаро кенгликлари сари интилиши бу

нат қилишяпти. Сайқаллаш ишлари эса Югославиянинг «Торцевек» фирмаси ишчилари томонидан бажарилаётган. Спорт-соғломлаштириш мажмуи таркибида 10.000 ўринли футбол майдони, енгил атлетика майдони, 10.000 томошабинга мўлжалланган 3 та очик теннис корти, шунингдек, 2 та ёпик теннис корти, оғир атлетика, гимнастика заллари, жаҳон андозларида жавоб берадиган сузиш ҳавзалари бўлади. Спорт мажмуасига кираверишда 5 та фаввора қурилиши амалга оширилмоқда. Мазкур иншоотни Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига тўхфа қилиш учун ишлар қизгин ва жадал суръатда олиб борилаётган.

Бунёдкорлик борасида бевосита инсон манфаатларини ифодалаш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун ёрқин намуна тариқасидаги ишлар Қоратўш ва Белтепа мавзелирида ҳам амалга оширилмоқда. Қоратўш мавзесида 1200 ўринга мўлжалланган мактаб, 190 ўринли болалар боғчаси, маҳалла гузарли қурилиши тезкор усулларда бунёд этилмоқда. Бу иншоотларда 1- ва 2-«Ҳўсозлик» комбинатлари, «Ҳў-жой қурилиш тажриба» комбинати каби корхоналарнинг қўли гул бинокорлари меҳнат қилишиб, ҳар чоракда ўнлаб турар жой биноларини фойдаланишга топширишмоқда.

«Паркентсувқурилиш» трести қурувчилари эса Белтепа мавзесида истироҳат боғи ва гузар қурилишини олиб боришмоқда.



● Белтепа мавзесида бунёд этилаётган гузар қурилиши. Ишт теувчилар Фахриддин Тўйчиев, Хидир Ражаббоев.

билан банд, турли қурилиш техникаси воситалари эса махсус ишларни жадал бажаради, қўллаб-қувватлаш юк автомобиллари иншоотларга зарур қурилиш ашёларини келтириш ва ташишдан тинмайди.

Албатта, мазкур иншоотларнинг ишга туширилиши ҳамюртларимиз учун қулайликлар, қувонч шодликлар бахш этади.


Бинобарин туманнинг «Ипакчи» мавзесида яқинда ишга туширилган замонавий боғчада бўлганимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишларнинг шарофати қанчалик улуғлигига янада ишонч ҳосил қилдик. Мавзеда истикомат қилувчилар учун боғчанинг фойдаланишга топширилгани ота-оналарни, жажжи фарзандларни мамнун этди. Зеро, 70-қурилиш бошқармаси томонидан бунёд этилган ушбу тарбия маскани замон талабларига ҳар томонлама мос. Машгулот, овқатланиш, дам олиш хоналари кенг, ёруғ. Бундан ташқари шинам мусиқа ҳамда спорт заллари ҳам мавжуд. Мазкур болалар боғчасида 185 нафар ширинтой тарбияланади.

«Исломобод» маҳалла марказида туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Гулнора-Чевар» фирмаси ҳамкорлигида ўтказган миллий либослар кўргазмаси ҳам туманда аънаналар ва замонавийлик уйғунлиги сари интилишлар қучилигини намоён этди.


... Шаҳар марказидаги кўп қаватли уйларнинг энг баландидан Шайхонтоҳур тумани ҳудудида қаралса, энг аввало юксакка бўй чўзган «Чорсу» меҳмонхонаси, қатор кўп қаватли бинолар, бир томонда Чорсу бозорининг, бир томонда циркнинг гўмбазлари кўзга ташланади. Айни пайтда Қоратўш, Чорсу, Хадра ҳудудларида қизгин бунёдкорлик ишлари бораётганлигини кузатиш мумкин.

Зеро, Инсон манфаатлари йилида туманда кўкка бўй чўзаётган биноларда юксалиш босқичлари, одамларнинг ҳар томонлама камол топишлари ўз ифодасини мужассам этган.

Саҳифани Маъмура РЎЗИЕВА тайёрлади. Суратларни Рустам Шарипов тасвирга туширган.



● Қоратўш мавзесида уй-жой қурилиш жадал суръатларида олиб боришмоқда.



● Хадра майдони тагидан ўтувчи ер ости йўлида айни кунларда иш қизгин давом этмоқда.



● Фурқат ва Навоий кўчалари кесишган жойда қад кўтараётган савдо расталарининг умумий кўриниши.

Хар қандай даврда ва хар қандай жамият-да давлатни бошқариш, фуқароларнинг ижтимоий турмушини шакллантириш, уларнинг жамият олдидидаги мажбуриятларини белгилаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган қонунлар бўлган. Қонунлар эса ўз навбатида жамиятни бошқарган ва уни ҳаракатга келтирган. Бир сўз билан айтганда, қонун устуворлиги ўрнатилган давлатда ҳақиқат тартиб, оқилоллик, халқ ҳўжалигининг хар бир соҳасида тараққиёт ва ривожланиш бўлган. Президентимиз Ислам Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси йиғилишида ҳам шу масалалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтганлиги бежиз эмас.

Мухбиримиз Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси Улугбек Абдуалиев билан шулар тўғрисида суҳбатлашди.

— Улугбек Ҳабибуллаевич, кейинги пайтларда ҳуқуқ тўғрисидаги айрим тушунчаларимизни ўзгартиришимиз лозим эканлигини англадик. Шу тўғрисида фикрларингизни баён этсангиз.

— Узингизга маълумки, республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат туфайли юртимизнинг ҳар мамлакатлари ичидида қўнган-қўнган нўфуз ва маънавий оғир бормоқда, республикамиз иқтисодиётида ва қўндалик ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар салмоғи кейинги давр мобайнида самарали ва сезиларли бўлди. Аммо оддий меҳнатқашларимизнинг бу борадаги фикри қандай? Улар

Муносабат

ҲУҚУҚИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

қонунларимизни қандай қабул қилаётганлар. Эндиликда булар тўғрисида ҳам чуқурроқ ўйлашимиз керак бўлаяпти.

Бошқармаимизда аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ва бошқа норматив актларни аҳолининг қўли қатламига етказиш борасидаги ишмиз анча аввал бошланган бўлиб, бу ўз навбатида аввало мактаб, маҳалла, ўрта махсус билим юрталари, олий ўқув юрталарида ўқувчиларга ўқатиш, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда, оммавий ахборот воситаларини кең жалб қилган ҳолда ҳуқуқий чиқишлар қилиш тўғрисида қўйилган бўлиб, бу эса ўз навбатида шаҳарда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ўзининг яхши самарасини бермоқда. Иккинчидан, шаҳримиздаги суд ва ФХД, нотариал идоралари бўлимлари иш фаолияти жараёнида адолатни қарор топтиришди. Бугун халқимиз янги қонунлар доирасида ўз ҳақ-ҳуқуқларининг қандай ҳимоя этилаётганлигини билиши даркор. Шу сабабдан ҳам аҳолига ҳуқуқий билим берилиши янги турларини жорий этишимиз зарур.

Ушбу аҳолига, қўн рақиб ва ишқибозли бўлиб қилинади лозим бўлган ишлар ичидида асосийси ёки иккинчи даражаси бўлмайди. Хар бир соҳанинг ўз зарур ва долзарб масалалари бор. Лекин қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган хар бир иш, хар бир ҳаракат маълум бир мақсад ва режа асосида олиб борилиши керак. Айниқса, ўш даври бўлиши ҳозирги босқичда бу жуда масъулиятли масалалар. Ана шундай мураккаб бир шароитда муҳим жараёни амалга оширишни белгиланган, республикамизнинг ҳақон мамлакатлари ичидидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг асосий ўзгариш ташкил қилган ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда шу дастурни амалга жорий қилишдек буюк ишлар бажарилаётганда.

Биз хизмат юзасидан хар хил тоифадаги кишилар билан мулоқотда бўлганимизда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидида кўрсатилган айрим бандлар ҳақида сўраганимизда кўпчилик уни ўқимаганини маълум бўлиб қолади...

— Тўғри айтасиз, айрим қонунларимизни ҳатто зиёли ёки шу соҳа мутахассислари ҳам яхши билишмайди. Буни табиий ҳол деб, бўлмайди, албатта. Аммо қачонки зарурат туғилгандагина шошилиб қолишди. Бу балки кўпчилик учун одатий ҳолдир. Шундай бўлсада биз бу лоқайдликдан, боккебағлиқдан чекинмоғимиз даркор. Зеро, мустиқлик жамиятимиз ривожини шунга элтаётган экан, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз тўғрисида кўпроқ ўзимиз қайғуришимиз зарур бўлмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида билдирилган фикрлар бўйича сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз.

— Албатта, замонавий кадрлар тайёрлаш бора-сидаги маълум бир ишларимиз амалга ошаётганлиги ва бу соҳада айрим камчиликлар ҳам бор эканлиги ушбу йиғинда рўй-рост айтилди. Таълим-тарбия орқали замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош омили бўлиши керак. Зеро, бугун мамлакат теран фикр-лайиқан, ушбу оғир шароитда жонбозлик кўрсата оладиган кадрларга муҳтож.

Ҳуқуқшунос сифатида шунинг таъкидламоқчиманки, инсон болаларида тажриба ўтказиш мумкин эмас. Шу сабаб хар қандай янги ишлаб чиқилган дастур уйлаб амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда фақатгина педагогика фанида эмас, балки инсонни урганадиган барча фанлар мажмуасида олиб борилиши ҳамда қайси ешдан бошлаб болаларга ҳуқуқ ва маънавият фанлари ўтилиши кераклиги аниқ белгиланиши лозим. Ушбу асосий фанлар бўйича фақатгина ўз соҳасининг мутахассислари жалб этилиши зарур.

Модомики, барчамизни ягона мақсад, ягона ниёт, у ҳам бунда шу, азиз юрта сидқидилдан хизмат қилиш, унинг бугунги ва эртанги кўнига бўлган ишчи билан меҳнат қилиш мақсади бириштирган экан, бугун халқ ҳўжалигининг қайси соҳасида ким бўлиб ишлашдан қатъий назар барча фуқаролар ўз вазифаларини ҳалол бажаришларини истар эдим.


Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизimini такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳам ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтиришда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Очил ҲАЗРАТОВ суҳбатлашди.



Тошкент шаҳар физиотерапия шифохонаси мана ярим асрдирки, ҳамшаҳарларимизга турли хил физиотерапия муолажаларини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ушбу шифо маканида минглаб беморларга ташхис қўйилиб, иш қобилиятларини тиклаб даволаниб кетишди. Зеро, бу ерда анча йиллик иш тажрибаларига эга, ўз касбининг устаси бўлган кўплаб шифокорлар фаолият кўрсатишади. Ҳозир ҳам хар ойда мунтазам Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бепул йўлланмалари билан 250 га яқин ши-



Саломатлик

ТЕТИК ВА БАРДАМ БЎЛАСИЗ

фога муҳтож ҳамшаҳарларимиз ўз соғлиқларини тиклашмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, пойтахт физиотерапия шифохонасида беморларнинг малакали муолажа олиб, саломатликларини тиклашлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, электр нурлари билан даволаш, ультратовуш, лазер, сув остида уқалаш, сув остида умуртқани чўзиш, шарко, циркуляр душлар, ванналар, парафин-озокерит, балчик билан даволаш, массаж ва бошқа муолажалар мавжуд. Шифохона врачлари Семашко номли физиотерапия ва саломатлиқни қайта тиклаш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент тиббиёт институтининг врачлар малакасини ошириш

кафедраси билан яқин ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бу ерга келган беморларни 12 та тажрибали мутахассислар (юниинг, биохимия, функционал текширувлардан ўтказиб ташхис қўйишга, 24 кунлик даволаш курси бошланади.

Албатта, ушбу даво маканида сурункали хасталикларни янги усуллар билан даволаш ва соғлиқни тиклаш муолажалари поликлиникалардаги физиотерапия хоналаридагидан катта фарқ қилади. Бу ерда асосан оғир суяк жароҳатлари олган, куйган, остеохондроз, асаб касалликлари, бод, бефарзандлик, тери хасталикларига мубтало бўлган кишилар даволанади.

Ҳозирги кунда аҳолига янада катта қулайликлар яратиш мақсадида ишдан аж-

ралмаган ҳолда эрталабки соат 9 дан 19 гача даволаниб ҳордиқ чиқариш учун кундузги шифохона усули ҳам жорий этилган. Шу ойдан эса алоҳида хоналарда ҳўжалик ҳисоби бўлими иш бошлади. Хуллас, бу ерга келиб бир марта бўлса-да даволанган киши узоқ вақт ўзини тетик ва бардам ҳис қилади.

Дилшод ИСМОИЛ.

СУРАТЛАРДА: сув муолажаларини тиббиёт ҳамшираси Г. Саидова бошқармоқда; шаҳар физиотерапия шифохонасининг даволаш-жисмоний тарбия хонасида соғломлаштириш машқлари кетмоқда; лазеротерапия хонаси тиббиёт ҳамшираси О. Пижова иш устида. Рустам Шарипов олган суратлар.

ТОҒЛАРНИНГ ЗАР КОКИЛЛАРИ

Сув, ҳаёт, табиат ва жамият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Сувсиз ҳаёт, ҳаёtsiz жамият бўлмайди. Серсиз ўлкалар ўзига латофати билан, чунончи, шўх дарёлари, жилоли булоқлари, зумрад қўллар, кумуш музликлари, баҳмал қирлари, гул водийлари билан кишини мафтун қилади. Бундай жойларда оқилона уюштирилган меҳнат натижасида инсон фаолияти серкир-рали, унумли, меҳнати эса барқали бўлади. Ер қуррасининг ўта иссиқ ўлкаларида сувнинг қадри янада ошиб боради.

Диёримиз бағридан катта ва кичик дарёлар билан бир қаторда сон-саноксиз булоқлар, жилвакор ва шаллоа сойлар ўрин олган. Соиларни халқимиз тоғларнинг «зар кокиллари» деб атаиди. Дарҳақиқат, соилар мавжуд бўлган ўлкалар ҳақида кўркам, фусункор ва латофатли бўлиб қолган. Соиларнинг ер усти тузилиши табиатининг миллион йиллик сеҳри ўрин олган. Соиларни мўъжизасини ўзида баралла ифода қилиб, кишини ҳайратлантиради. Улар заҳиратоларни

мизнинг кумуш чўққилари ва лоззорларидан бошланиб республикамизнинг олтин қумларигача оби ҳаёт олиб боради.

Сойлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида яхши тарқалган. Бундай сув ҳавзалари ажайиб ва ғаройиб табиат ҳосилаларининг кўпчилиги билан, жимжамали булоқлари, сўлим қир-қоқлари, ранг-баранг ўрмон ҳамда ўтлоқлари, хилма-хил мавжудотлари, айниқса сайроқи қўшларининг мавжудлиги билан бошқа жойлардан фарқ қилади. Тоғ соилари ҳавзаларида республикамиздаги лалмоқор майдонларнинг 97, шартли суғориладиган ерларнинг 80, суғориладиган жойларнинг 28 фоизи ва узумзорларнинг қарийб ярми, яйловларнинг 15 ва пичанзорларнинг 20 фоизи жойлашган.

Сой сувларидан фойдаланиш узоқ тарихга эга, уларнинг бойликларини ўрганиш ҳам қадимийдир. Бироқ бу жилғаларнинг ўтмиши бизгача етиб келган эмас. Ўзбекистон тоғларининг табиати, бойликларида фойдаланишга оид айрим тафсилотлар қадимги Марказий Осиё географлари, сайёхлари, ўлкашунослари, тарихчилари ва олимларининг ишларида берилган. Чунончи, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий асарида Нурота ва Зарафшон тизмаларидан бошланган айрим сой ва булоқлар, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ка-

биларнинг асарларида эса Фарғона водийси, Самарқанд атрофидаги жанубий Ўзбекистон сойлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Амир Темур ҳузурига юборилган Кастилия қиролининг элчиси Рюй Гонзалес де Клавихонинг қўндалик дафтаридида ҳам жанубий-ғарбий Ўзбекистон тоғлари, булоқ ва жилғаларнинг бойлиги, гўзаллиги ҳақида умумий маълумотлар келтирилган ҳолос.

Республикамиз ҳудудида соилар нотекис тарқалган. Уларнинг гидрографик тури Фарғона водийсида, Туркистон тоғларининг шимолий қисман анчагина зич бўлиб, Қоратеп, Нурота тоғларида сийрақлашади. Юртимиз сой ва майда жилғаларга жуда бой. Фақат Фарғона водийсида 6500 га яқин дарё, сой ва жилғалар, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида 120 га яқин соилар, Моргузар тоғларининг ён бағрида Нурота ва Зарафшон тизмаларидан бошланган айрим сой ва булоқлар, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ка-

тоннинг жануби-ғарбий шариитинг ўзгариши билан соиларнинг гидрографик тузилиши, морфографик шароити, озикланиш хусусиятлари, ниҳоят, турлари ҳам алмашиб боради.

Сойлар Марказий Осиё дарёларидан сув режими бўйича фарқ қилувчи алоҳида турдаги жилғалардир. Улар гидрографик жиҳатдан оддийлиги, ўртача йиллик сув оқимининг камлиги, тошқин даврининг қисқа, кескин, серсувлиги, асосан ёмғир қор ва булоқ сувидан озикланиши, селдорлиги билан дарёлардан ажралиб туради. Булар Сурхондарё ҳавзасида Гулиобсой, Бойсунсой, Қашқадарё ҳавзасида Гулдарсой, Турнасой, Дангарсой, Кичикжарсой, Сўлисойдир. Зарафшон ҳавзасида Ургутсой, Қофлатунсой, Омонқўтонсой, Қорасув, Турсунсой, Оқтепасой, Тасмасой, Олтинсой, Охангарон ҳавзасида, Шаввоссой, Олмаликсой ва бошқалардир.

Сой ҳавзасининг табиий-географик шароитига қараб улардаги тошқин бир вақтда содир бўлмайди. Масалан, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий шариитинг ўзгариши билан соиларнинг гидрографик тузилиши, морфографик шароити, озикланиш хусусиятлари, ниҳоят, турлари ҳам алмашиб боради.

СУРАТЛАРДА: Наволий сой (Уғон тоғ тизмаси) ҳамда Ўзсўв сойлари.

Муаллифлар олган суратлар.

Таълим

АФСОНАВИЙ ШАҲАР ТААССУРОТЛАРИ

Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг халқаро журналистика бўлими талабаси Қажрамон Жамолов Ҳиндистонда бир қанча муддат ўқиб қайтди.

— Ҳиндистонда бўлиш — бу афсонавий юрта яшашнинг ҳам ўзгача гаши бор экан, — деди у. — Биз Ўзбекистонлик тўққиз журналист Нью-Дехлидаги Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари институтида тахсил олдик. Бу мамлакат биз кўганимиздек афсонавий ва сеҳрли ошён. Бобурийлар қурдирган макбараларни ва муқаддас кадамжоларни зиёрат қилиш, ўрганиш бизга насиб этганлигидан шўкроналар келтирамиз. Биз жами ўтиз икки журналист бор-

дик. Ҳиндистонликлар бизни кўнгиладигдек қутиб олишди. Ётоқхона ҳамда стипендия билан таъминлашди. Яшашимиз учун ҳамма шароит ва имкониятлар муҳайё қилинди.

— Беш ой давомида нималарни ўргандингиз? Улардаги таълим тизими билан биздаги тизим ўртасидаги тафовут қандай экан?

— Ҳиндистондаги беш ойлик ўқишларимиз жуда мазмунли ўтди. Аввало инглиз тилини мукаммал ўргандик, чет эллик журналистлар билан учрашдик. Бу учрашувларимиз давомида чет эл журналистикаси, ижод сирлари, уларда ёриштирилган мавзулар билан қизиқдик. Уларнинг кутубоналаридан, китоб дўконларидан одам аримаслиги мени ҳайратга солди.

Хонбиби МАҲАМОВА.

Назм

СЕВГИ ТАЪРИФИ

Мен ушал санамни Тошкент боғида,
Ғунчалар атрини сочганда қурдим.
Эсганд тоғлардан баҳор ҳавоси,
Охулар соиларни кечганда қурдим.

Муҳаббат боғида шайдо булбуллар,
Севги китобини очганда қурдим.
Висол оқшомида, Навруз тўнида,
Юлдузлар жилосин сочганда қурдим.

Паришон юзлари, дарё бўйида,
Ушундай гузаллик ечганда қурдим.
Ушундай гузаллик эрам боғида,
Ўзига гулгун қабо бичганда қурдим.

Зарафшон кокилли заррин либосда,
Турналар галаси учганда қурдим.
Хилча белларини тунги сабозлар,
Интизор айланб қўнганда қурдим.

Нечун сўзламайин гул барги хандон,
Алжабр жумбогин ечганда қурдим.
Она ватанига шундай хайрихоҳ,
Садоқат қасамин ичганда қурдим.

Сен яша ўзбекининг гузалли бўлиб,
Қелдиёр Ҳаслий газали бўлиб,
Қағрибодан Маширққа етсин таърифи,
Ғунчалар атрини сочганда қурдим.

ЭН. ҚОРА ҚУЗ

Қора қўз қиз, олма юз қиз,
Бўлдим сенинг қишлоғингда.
Икки гавҳар балдоқ бўлсин,
Ишқим сенинг қулоғингда.

Бири асал, бири шакар,
Икки чашма дудогингда.
Севги билан ҳаёт гўзал,
Не маъно бор сўроғингда.

Атир гулни кимдан олдин,
Тилла узук бармоғингда.
Дилбар юзингни яширма,
Мажнунман иштиёқингда.

Қанча ошқид фидо бўлди,
Неча ўқ бор садоғингда.
Келдиёр ҳам адо бўлди,
Эй, нозанин фироқингда.
Келдиёр ЭШОНҚУЛОВ.

ЭЪТИРОФ

Қўшиқларим қалбларга ёқар,
Эътирослар — мен учун олам.
Темур бобом руҳи танимда,
Шарқонадур қарашларим ҳам.

Юзларимда бугдойин ранги,
Эмасдурман венгер, фарангий,
Темур бобом руҳи танимда,
Шарқонадур юришларим ҳам.

Сайёҳ бўлсам, келиб бир кун,
Қайга борсам танурлар мени.
Темур бобом руҳи танимда,
Шарқонадур турмушларим ҳам.

Қизларининг кўзлари шахло,
Шуниинг учун гўзалдир дунё.
Темур бобом руҳи танимда,
Шарқонадур қулишларим ҳам.

Уларнинг ҳам тилайман бахтин,
Хар ким қўйлар ўз она юртин.
Темур бобом руҳи танимда,
Шарқонадур орзуларим ҳам.

Анжуманлар

УСТОЗ ЁДИ

1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида тиббиёт фанлари доктори унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёли, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Зулфия Умидова туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати томонидан ташкил этилди.

Тантанали йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, Семашко номи Физиотерапия ва саломатлиқни қайта тиклаш институти директори Карим Йўлдошев олимпиядада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Зулфия Умидованинг дўстлари ва шогирдлари сўзга чиқиб, олимпиададаги ўзларининг хотираларини сўзлаб берди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Ҳикматлар

АХЛОҚ ҲАҚИДА

♦ Яхши ва ёмон ҳулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши ҳулққа ҳам одат туфайли эришилади.

Абу Али ибн Сино.

♦ Тавозе ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу махсулни жам этар.

Алишер Навоий.

♦ Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат ё саодат — ё фалокат масаласидир.

Абдулла Авлоний.

♦ Ғўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

Рабиндранат Тагор.

♦ Фан тараққиёти миллатнинг моддий жиҳатдан гуллаб яшнашдан ҳам кўра унинг ахлоқий ривожини кўпроқ зарурдир. Фан интеллектуал ва ахлоқий савияни оширади, буюк ғояларнинг ёйилиши ва тантанасини таъминлайди.

Луи Пастер.

Тўпловчи: Фахриддин

НУРИДДИНОВ,

Ўзбекистон халқ таълими

аълочиси.

Шахмат

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ тасдиқлаган Низомга кўра, жаҳон чемпионлиги учун навбатдаги туркум мусобақалар шу йил октябрда бошланиб, келгуси йил бошларида низоҳасига етиши керак.

ТАКЛИФГА РОЗИ БУЛИШДИ

Дастлабки босқичда 64 нафар донгдор гроссмейстер иштирок этиб, 32 ғолиб иккинчи босқичга йўланма олади. Кейин 16 киши учинчи, 8 ғолиб тўртинчи, 4 ғолиб бешинчи ва 2 ғолиб олтинчи босқичда ўзаро баҳс юритади. Сўнгги жуфтлик биринчи ярим финални ташкил этади.

ФИДЕ президенти Кирсан Илмжинов жаҳон чемпионлари Гарри Каспаров билан Анатолий Карповга иккинчи ярим финалда ўйнаш ва бунинг учун 400 минг АҚШ доллари миқдорига ҳақ олишни таклиф этди. Чемпионлар рози бўлишди. Низомга кўра, биринчи босқич иштирокчиларига натижадан қатъий назар 6000 доллардан, иккинчи босқичга чиққанларга 12000 ва ҳокзо миқдорда мукофот белгиланган. «Донгдор шахматчилар ҳам, — дейди К.Илмжинов, футболчилар, хоккейчилар, теннисчилардан ҳам яшамасликлари керак...»

Дарвоқе биринчи босқич иштирокчилари орасида 1995 йили Тошкентда ўтказилган жаҳон биринчилиги минтақавий турнирининг ғолиби, жамюртмиз, халқаро гроссмейстер Александр Ненашев ҳам бор. Янги жаҳон чемпионини аниқловчи матч Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган халқаро олимпиада шўхрати музейи биносида ўтказилиши яқин келажақда жаҳон олимпиадалари дастурида шахмат мусобақалари бўлишидан дарак бераётгандек туюлмоқда.

ЗҮР ЗҮР-ДА

Россиянинг қадимий шаҳарларидан бирида ташкил этилган супергроссмейстерлар иштирокидаги халқаро турнир низоҳасига етди. «Жаноб Новгород» номи билан аталган бу мусобақада 6,5 очко жамгарган жаҳон чемпиони Г.Каспаров бош соврин эгаси бўлди. Ундан ярим очко ортда қолган Владимир Крамлинг иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади. Зүр зүр-да!

СОВРИНЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ўзбек шахматчиларининг дастлабки устозларидан бири, биринчи республика чемпиони Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган навбатдаги аънавий турнир поёнига етди. Мамлакатимиз вилоятлари ва Қозғистон пойтахтидан тўпланган 58 нафар шахматчи ўзаро қизгин баҳслар жараёнида ораларидан чинакам пешқадамларини сайлаб олдилар. Хал қилувчи 9-турда ва сўнгги баҳсга кирувчи жами пешқадамлар бир мақсад сари донларини сура кетдилар. Халқаро мастер Д.Қаюмов билан баҳслашган суҳрондорлик ёш спорт усталигига номзод Бегали Саидов қораларда ўйнаса-да нуқул ғалаба қилиш ҳаёлида эканлиги танлаган йўлидан яққол сезилиб турди. Бироқ тажрибаси етарли бўлиб чиқмади — бой бериб қўйди. Чирчилик икки спорт устаси А.Белкин билан Р.Қатиров учрашуви мураккаб курашлар оқибатида дуранг билан тугади. Ангренлик Ю.Швецов О.Тошевни, самарқандлик А.Аноркулов Р.Рашидовни мағлубиятга учратди. Оқибатда тўққиз имкониятдан 7,5 тадан очко жамгарган Равил Кагиров билан Д.Қаюмов 1—2-ўринларни баҳам кўрдилар. Лекин қўшимча кўрсаткичларга кўра биринчи ўрин Кагировга берилди. Б.Саидов 7 очко билан учинчи, Ю.Швецов тўртинчи, 6,5 очко билан Н.Турдимуродов бешинчи ва А.Белкин олтинчи ўринга чиқди. Низомга кўра булар «Ишонч» газетаси таъсис этган қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар. Беш нафар ёш иштирокчи миллий спорт усталигига номзодлик учун белгиланган талабларни удралади. Устоз хотирасига бағишланган турнир бир байрамдек ўтди.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

ЖИНОЯТ УСТИДА
УШЛАНДИ

Ёшлигидан бир маҳаллада катта бўлган икки йигит ҳеч қандай иш-ламай енгил-елли йўл билан пул топишни ўзларига касб қилиб олишди. Уларнинг шериги бўлмиш Дилдора кўни-қўшиларикига меҳмонга кириб, калитнинг жойини кўриб қолгудай бўлса, уй эгасини чалғитиб ҳар хил гап-сўз ёки баҳона билан калитни кўлга киритар, кейин ҳамтовокларига етказгач, эвазига улардан пул ундирарди. Калитга эга бўлган йигитлар эса хонадон эгасининг йўқлигини пойлаб ўғирликка тушишиб, қимматбаҳо буюмларни «тинчтиб» кетишади. Улар бу хилдаги жиноятларни бир неча бор амалга оширишган. Лекин «қилмишқидирмиш» деганларидек бу икки йигитнинг ноҳўя фаолиятлари узокқа бормади. Милиция ходимлари ўғирларнинг жиноят устида қўлга олишди. Ҳозирги кунда у кимсалар қилмишлари учун терговда жавоб бермоқдалар.

«02»

ишчилар сидқидилдан меҳнат қилиб уйларига қайтишса, айрим кимсалар ўз қорхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотни олиб чиқиб кетиш, шу йўсинда енгил даромад кўришдан ҳам тўймайдилар. Уч оғайни иш кунни тамом бўлишини

«02»

кутишиб, ўз гаразли мақсадларини амалга оширишга киришадилар, қорхона ичида жойлашган цехларнинг биридан 800 метр кабелни ўғирлаб, девор оғиб олиб чиқиб кетаётганларида Мирзо Улуғбек тумани кўриклаш бўлими ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

ГУГУРТ
ҚУТИСИДАГИ «ОҚ
АЖАП»

Пойтахтимиздаги олий ўқув юртиларидан бирида таҳсил олувчи Ғолиб ўқиб илм олиш ўрнига, бирданда бойлик орттиришни ўзига мақсад қилиб олади. У Халқлар дўстлиги шохқўчаси бўйлаб ўтиб бораркан, фикри ҳаёлида манзилга тез етиб борсаму, пулни тезроқ ундирсам деган ўйлар кечарди. Кўча бўйлаб ўтиб кетаётган йигитча милиция ходимларида шубҳа уйғотди.

ДЕВОР ОШАН
ЎҒРИЛАР

Ҳар кунгидек ўз қадрдон иш жойига келган

Биласизми?

КОЛА
ЁНГОҒИНИНГ
ХОСИЯТИ

Маълумки, ҳозирги ёз давларида чанқовбосди ичимлик сифатида маъданли сувлар билан бир қаторда Кока-кола ичимлиги ҳам кўп истеъмол қилинади. Иложи бўлса уларнинг таркиби ҳақида маълумот берсангиз.

Сайёра Хошимова,
Дилдора Рихсиева,
талабалар.

Кўпчиликка маълумки, тоғ сувлари ўзининг мусаффолиги, салқинлиги ва тинқилиги билан қадрланади. Бу неъматдан бир кўлум ичган киши ўзини роҳатланиш сезади. Тянь-Шань суви ҳам тоғ сувларидан бўлиб, чанқов босишда жуда самарали, чунки унинг таркибида турли маъдан тузлари бор. Улар киши иссиқ кунлари тер билан йўқотадиган тузларнинг бир қисmini қоплайди. Шу жиҳатдан тоғ сувлари шифобахшлик хусусиятига ҳам эга.

«Кока-кола» ичимликларига келсак, у кўпчилик мамлакатларда ўзига хос мазали ва чанқовбосди ичимлик сифатида танилган. У киши танасини тетиклаштириш хислатига эга. «Кока-кола» ичимлиги таркиби ўзига хос бўлиб, унда турли ҳид берувчи моддалар бор. Бу ичимлик ўз номини кишини тетиклаштирувчи қатор моддаларга бой бўлган кола ёнғоғидан олган.

Кола ёнғоғларининг иккинчи номи гуру деб аталади. Улар тропик иқлими мамлакатларда, жумладан Африкада кенг тарқалган дарахтдир. Кола ёнғоғлари таркибида кофеин ва теобромин моддаси мавжуд. Бу ёнғоқлар ва уларнинг шарбатлари киши чарчоғини кетказадиган ва марказий асаб тизими касалликларини даволашда ишлатилади.

Ботир САИДОВ,
«Она ва фарзанд»
бирлашмасининг бош директори.

Ажойиботлар

«ГАПИРАДИГАН» БАЛИҚЛАР

Қадим замонлардан бери оламдаги энг қар, соқов жониворларнинг бири балиқ деб келинган. Илм-фан тараққий этган ҳозирги даврда бу фарзанинг хато эканлиги илмий жиҳатдан қайта ўрганилиб, балиқнинг ҳам ўзаро бир-бири билан сўзлашуви, фикр алмашуви аниқланди. Фақат уларнинг сўзлаш услуби бошқароқ, аммо одамлардай «фиқрлашар» экан.

Итбалиқлар қўрилган, шивирлаган ёки бўзлаган товуш билан ўзаро тилга киришади. Бу товушлар юрак вазифасини бажарадиган сўзиш аъзоси орқали чиқади. Америка қуруқлигининг Атлантика қирғоқларида балиқларнинг тунги «концертидан» қўлониғиз қар бўлади. Туманли кунда кемаларнинг сигналга ўхшаш товушлар ҳар бир дақиқа сайин такрорланиб туради. Ҳатто, поездининг гудоғи ва машинанинг бирдан тўхтаб қолгандаги овозидан ҳам қаттиқ эшитилган экан.

Балиқлар бир-бири билан қандай тил топишади? Ахир уларда товуш чиқарадиган махсус аъзо йўқ-ку? XIX асрда Франциянинг табиати ўрганишчилари балиққа ҳам товуш чиқарадиган аъзо бор эканлиги ҳақида турли таҳминларни ўртага ташлайди. Буш кўлик ораси тизиз хавсога тўла бўлиб, у ёрилганда қаттиқ товуш чиқараркан. Кейинги илмий тақиришлар натижаси ўша таҳминнинг тўғрилигини тасдиқлаган. Итбалиқларнинг жағ суягининг остида ишлайдиган нафас олувчи аъзоси бор экан. Икки жағи тизиз жойлашган бўлиб, ундаги ҳавонинг ҳаракатга келтириш натижасида товуш чиқариш аниқланган.

Албатта балиқларнинг бекордан-бекорга танглайини тақиллатмаслиги аниқ. Уларнинг ҳар бир ҳаракати шартли белгилар ва маълум бир маъно билдиришини олимлар ўрганишган. Масалан, балиқлар ҳар хил тасодифий ҳолатлардан хабар беради. Агар сув остидаги болдирга (балиқнинг бир тури) бошқа бир гуруҳ балиқлари яқинлашса, унга танглайини тақиллатиш орқали «бу ер бўш эмас, овқатни бошқа ердан изла», — деб оғохлантириш ўз гуруҳини бегонадан асрайди.

Агар балиқлар ўзаро мулоқотга киришар экан, уларнинг эшитиш аъзоси бор эканлигига ишонмай иложиниғиз йўқ. Қизилга шундаки, балиқларнинг эшитиш қобилияти одамларникидан қолтишмас экан. 1820 йили немис олими Э.Вебер балиқларнинг қўлиқ чиқарадиган аъзоси ва ички эшитиш аъзосининг суякларини одамнинг қўлоқ қалқони билан солиштириб, улар хизматининг бир хилда эканлигини исботлаган. Шундай бўлса ҳам, баъзи мутахассислар яқин-яқингача бу далилларга ишонсизлик билан қараб, балиқни соқов, қар жониворларнинг руҳиятидан чиқаришмаган. Улар фақат 1930 йили электрофизиологик тақирибларга асосан балиқларнинг эшитиш қобилиятига эга эканлигини, шунингдек, ўта сезгирлигини тан олишди.

Қидирбой ТҮЛАБОВЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАРОЧИҚ ТУРДАГИ
«ТОШМАРГЁ»
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акционерларнинг умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

Кун тартиби:

1. Акционерлик жамиятининг 1996 йил якунлари ва унинг ривожланиш истикболи.
2. Фойда ва зарар ҳисобидидаги йиллик балансни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси ва ташқи аудит ҳулосалари.
3. Фойда ва тўланадиган дивидендлар миқдорини тақсимлаш тартиби.
4. Акционерлик жамиятининг ўзгартиришлар киритилган янги Низомини тасдиқлаш.
5. Бош директорни сайлаш. Кузатув кенгаши ва Дирекция таркиби ҳақида.
6. Ҳар хил масалалар.

Мажлис 1997 йил 31 июлда, соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 47.
Мажлис қатнашчилари 31 июль кунин соат 8.00 дан 9.30 гача рўйхатга олинадилар.

Маълумот учун телефонлар: 96-48-42, 96-57-02.

«Тошмаргё» акционерлик
жамияти
Дирекцияси.

Ичида ҳужжатлари бўлган қора дипломат
йўқолди

Уни топган кишига катта мукофот ваъда қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд дарвоза
кўчаси, 26-уй, 1-хонадон.

Қўнғироқ учун телефонлар:
46-33-90, 75-69-43, 78-21-69.

Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактаб томонидан 1993 йили Абдулўли Эргашевни Исроилов номига берилган 060053 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги йўқолган ғувоҳнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академиги В. Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази жамоаси жигар жарроҳлиги ва ўт йўллари бўлимининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Одилбек ВОСИТОВНИ ВОҲИДОВНИ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Миробод тумани ҳокимлиги «Қизил тоғ» хиссдорлик жамияти бошқаруви раиси Хайрулла Акбаровга волидан муҳтарамаси

Маҳбуба ая АҚБАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ушбу турнир бу йил иккинчи маротаба ташкил қилинган бўлиб, у Савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат ходимлари кунига бағишланди. Шуниси эътиборга молики, мусобақа тақилотчилари унга тайёргарликни анча олдин бошлаб юборгандилар. Бинобарин, мусобақада иштирок этишни хоҳлаган барча шахар савдо тармоғи ходимлари уч ой олдин ариза бериб турди.

Спорт

ТЕННИС
МАЙДОНЧАСИДА —
ҲАВАСКОРЛАР

нирга яхшилаб тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Бу гал беллашуларда 32 нафар ҳаваскор теннисчи ўз кучини синаб кўрди. Ва теннис кортларида кувнок ва дўстона муҳит ҳукм сурди. Теннисчиларнинг маҳоратини эса юқори малакали ҳакамлар бошқариб боришди. Кўпчилик мутахассислар эса бу галги ўйинлар ўтган йилгига қараганда анчагина қизиқарли ва мурасасиз кечганлигини қайд этишди.

— Турнирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам савдо ходимлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, мустаҳкам жамоани шакллантириш, яхши кайфият улаштириш эди, — дейди «Тошкентсавдо» бирлашмаси бошқаруви раиси Мирфозил Мираюбов. — Чунончи, мусобақада қатнашган ҳар бир савдо нуктасининг раҳбари спорт ўйин-

ларини ўз жамоасида ҳам тарғиб қила бошлайди. Теннис эса жуда қизиқарли ва ҳаракатчан ўйиндир. Умида ракеткани атиги бир марта ушлаб, қорта тушгани эътиборга молики, мусобақа тақилотчилари унга тайёргарликни анча олдин бошлаб юборгандилар. Бинобарин, мусобақада иштирок этишни хоҳлаган барча шахар савдо тармоғи ходимлари уч ой олдин ариза бериб турди.

Ходимларимиз фақат теннис эмас, балки «Тошкентсавдо» соврини учун минифутбол мусобақаларида ҳам иштирок этадилар. Барча иштирокчилар учун эса ушбу ўйинлар мароқли ҳордиқ чиқариш, яхши дам олиш воситаси ҳамдир.

Энг муҳими, турнир ташкилотчилари эсдалик совгалари барча қатнашчиларга ажратилишига эришдилар. Хусусан, мусобақа ғолиблари Б. Тўйчиев ва В. Петрининларга ўзига хос қимматбаҳо совринлар топширилган бўлса, ўзини энг яхши томондан кўрсатган ўйинчилар ҳам турли хил совгалар билан тақдирланди.

Ҳа, яна бир теннис турнири якунланди. Лекин у беиз кетмади — «Тошкентсавдо» соврини учун теннис мусобақалари аънавий бўлиб қолишига келишиб олинди. Энг асосийси, бундай мусобақаларда муҳими қатнашчиларнинг шахсий ғалабаси эмас, балки умумий тетиклик руҳидир. Зеро, спорт билан ҳар бир киши, бинобарин савдо ходими доимий шугулланиб туриши жоиздир. Икки кун давомида барча иштирокчилар теннисга ошно бўлиб, бир олам таассуротларга эга бўлдилар, мароқли ҳордиқ чиқардилар. Ва турнир оддий спорт мусобақаси доирасидан чиқиб кетиб, ҳақиқий катта теннис байрамига айланди.

Дамир ИСЛОМОВ.

СУРАТЛАРДА: «Тошкентсавдо» мусобақасидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65,
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба
ва ҳуҷна
кўнлари чиқади.
Ҳафиз сабқайиши
64690

Нашрини етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлима-
рига ёки «Тошкент почтасига»
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.